

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

«Автомобил йўллари ва аэродромлар» кафедраси

«Тасдиқлайман»
“Ай ва А” каф.мудир
_____ доц. Ўроқов А.
«_____» _____ 2013 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУСИ: Тошкент шаҳар “Оққўрғон” кўчасини техник
паспортини тузиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш**

Бажарди:
Раҳбар:
Каф мудир
Маслаҳатчи
Текширди

Набиев А.
доц. Аблақулов А.
доц. Ўроқов А.
к.ўқ. Қосимходжаев Б.
доц. Ўроқов А.

МУНДАРИЖА

T/p	БАЖАРИЛГАН БОБЛАР НОМЛАРИ	САҲИФА
1.	Кириш	
2	Йўл жойлашган туман ҳақида қисқача маълумот	
3	Шаҳар кўчасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари	
4.	Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришнинг умумий тартиби	
5.	Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришда дала-ўлчаш ишларини ташкил қилишнинг умумий талаблари	
6.	Шаҳар кўчасидаги ҳаракат жадаллиги ва таркибини ҳисобга олиш	
7.	Йўл белгиларини, йўл белги чизиқларини, йўл тўсиқларини, йўналтирувчи устунчаларни ва автобус бекатларини техник ҳисобга олиш	
8.	Шаҳар кўчасининг паспортини тузиш ва жихозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш	
9.	Шаҳар кўчаси бўйича техник-иқтисодий маълумотлар жадвалларини тузиш	
10.	Шаҳар кўчасини паспортини тузиш ва жихозлаш лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси	
11.	Хулоса	
12.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши ва тараққий этиши аввало, автомобил йўллари тармоғининг ҳолатига боғлиқдир. Республика бўйича транспортда ташилаётган халқ хўжалиги юklarининг 83,6 % дан кўпроғини автомобил йўллари зиммасига тўғри келиши ҳам, иқтисодиётнинг ривожланишидаги автомобил йўлларининг аҳамиятини белгилаб беради.

Замонавий автомобил йўллари мураккаб муҳандислик иншоотлардир. Улар автомобил оқимларининг юқори тезликларда ҳаракатланиш имкониятларини таъминлаши зарур. Уларни шундай тарзда таъмирлаш ва сақлаш лозимки, бунда автомобил йўлининг хизмат муддатлари ва ўтказувчанлик қобилияти оширилсин ҳамда йўлдаги ҳаракат хавфсизлиги таъминлансин.

Йўллар жуда кўп табиий омиллар (қуёш нурида қизиш, музлаш ва эриш, ёғингарчиликлар, сизот сувлари ва йўл устидан оқиб тушадиган сувдан намланиш) таъсирида бўлади. Бу хусусиятларни йўллардан фойдаланиш даврида йўл-фойдаланиш хизматининг ходимлари ҳисобга олишлари керак ва бу ходимлар йил давомида йўлнинг узоқ муддат нормал ишлашини таъминлашлари зарур.

Замонавий автомобил йўллари йўловчи ва юкларни оммавий ташишга хизмат қилади. Улар миллионлаб ҳайдовчиларнинг кундалик иш жойлари бўлиб қолади, улардан автобус йўловчилари ва сайёҳатчилар фойдаланади. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай оммавий фойдаланиладиган муҳандислик иншоотига қўйилгани каби автомобил йўлларига ҳам мажбурий юқори меъморий-эстетик талаблар қўйилишини тақозо этади. Йўл қурилиши билан бир қаторда ҳам ҳайдовчилар ва йўловчиларга, ҳам автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган кенг корхоналар тармоғи (йўл ёнидаги ошхоналар, меҳмонхоналар, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ювиш пунктлари ва ҳ.к.) яратилиши керак. Бу иншоотларнинг ҳамма комплекси йўлни фойдаланишга топшириш билан бир вақтда ишга туширилиши лозим.

Мен битирув малакавий ишимда Тошкент шаҳар “Оққорғон” кўчасини
техник паспортини тузиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш
Мавзуси бўйича ишларни бажардим.
“Оққорғон” кўчаси Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманида жойлашган

Туман ҳақидаги малумотлар

Мирзо Улуғбек тумани (1935 й.гача — Пролетар тумани, 1992 й.гача Куйбишев тумани; 1992 й. майдан Мирзо Улуғбек тумани) — тумандаги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1929 и. ташкил қилинган. Ҳозирги чегараси 1978 йилдан буён ўзгармаган. туманнинг шим.шарқий қисмида жойлашган. туман маркази (Амир Темури хайбони)дан бошланиб, шим.шарқий томонга, Тошкент автомобил ҳалқа йўлигача боради. Феруза мавзеси, Тошкент трактор заводи, Улуғбек шаҳарчаси ҳам туман ҳудудига киради. Майдони 3,2 минг км², шу жумладан, қўқаламзорлаштирилган ҳудуд — 0,579 минг га. Аҳолиси 247,6 минг киши (2004). Туман ҳудудида тарихий ва маданий ёдгорликлардан Қирха (1892) сақланган. Кўчалар сони 532 та. Асосий магистраллари: Пушкин, Паркент, Темури Малик, Оққўрғон кўчалари, Буюк иппак йўли шоҳкўчаси, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, Кичик ҳалқа йўли. 49 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 377 йирик корхона, шундан 28 саноат корхонаси (шу жумладан, "Тошкенткабел", трактор заводи, "Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги", локбўёқ заводи.), 3119 кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор. 27 и.т. институти, 10 лойиҳа инти, 4 олий ўқув юрти (Маданият инти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия унти ва б.) ҳамда умумқўшин қўмондонлик билим юрти, ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш инти, ёзувчилар, композиторлар, меъморлар ижодий уюшмалари ва театр жамияти, 33 умумий таълим мактаби, 12 касбхона коллежи, 4 болалар мусиқа мактаби ва саноат мактаби, 10 касалхона ва диспансер, "Она ва бола" маркази, 11 оилавий поликлиника, 2 тиббийсанитария қисми ишлаб турибди.

Аҳолига 176 озиқ-овқат дўкони, 244 саноат моллари дўкони, 304 умумий овқатланишкорхоналари, 517 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилмоқда. Мухтор Ашрафий, Сергей Ёсенин уймузейлари, 28 жамоат кутубхонаси, 3 маданият уйи ва саройи, 3 маданият ва истироҳат боғи,

хайвонот боғи ва б. ишлаб турибди. Турар жой фондининг умумий
фойдаланиш майд. 2579 минг м².

Иқлими

Иқлими **континентал**, жазирама, қуруқ ёз кунлари ҳамда совуқ қиш
иқлими билан шаҳар бошқа дунё шаҳарларидан ажралиб туради. Йиллик
ўртача ҳарорат 13,5 °С. Ёзда эса ҳарорат 35 °С гача етиш билан бирга,
қиш ойларида бунинг аксини кузатиш мумкин. Ҳаво ҳарорати –25,-30 С°
гача боради. Асосий ёғинлар ноябр ҳамда март ойларида кузатилади.



ШАҲАР КЎЧАСИНИ ТЕХНИК ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ПАСПОРТЛАШТИРИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБИ

Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришда куйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилди:

Шаҳар кўчасини давлат ҳисобига олиш: Шаҳар кўчасини паспортларини тузиш асосида Шаҳар кўчасини ва йўл иншоотларининг техник ҳолати тўғрисидаги йўл маълумотларининг ахборот тўпламини шакллантириш.

Йўлларни техник ҳисобга олиш: йўлларнинг техник паспортини тузиш учун Шаҳар кўчалари ва йўл иншоотларининг техник ва фойдаланув тавсифлари ҳақида маълумотлар тўплаш.

Йўл маълумотлари тўплами: йўл тармоғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни, Шаҳар кўчасини ҳолати тўғрисидаги техник маълумотларни жадвалларда ёритишни, ахборот-қидирув ва мувофиқлаштирувчи масалаларни ечишни, статистик ҳисоботларни назарда тутувчи ахборот-қидирув тизими.

Шаҳар кўчаси чизиқли графиги: Шаҳар кўчасини асосий ўлчамлари, сунъий иншоотлар, йўл жихозлари ва йўл ён минтақаси чегарасидаги инфратузилма мажмуаси объектлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами.

Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришнинг куйидаги қоидаларига амал қилинади.

Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш, йўл ва йўл иншоотларининг сони, уларнинг узунлиги, техник ҳолати, сифатлари, айрим тузилмавий элементларининг емирилиш даражаси, муҳандислик қурилмаларининг сони ва ҳолати, йўл жихозлари ва жихозланиши, чизиқли бино ва иншоотлар тўғрисидаги холис маълумотларни олиш мақсадида амалга оширилади. Паспортлаштириш маълумотлари Шаҳар кўчасини сақлаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни

режалаштиришда иқтисодий асосланган техник ечимларни қабул қилиш учун фойдаланилади.

Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш мазкур Ш.Н.Қ 01-2007 талабларига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Шаҳар кўчалари ва улардаги йўл иншоотлари техник ҳисобга олиниши ва паспортлаштирилиши лозим. Ҳисобга олиш ва паспортлаштириш ҳар бир Шаҳар кўчаси бўйича алоҳида амалга оширилади. Паспортлаштириш, давлат қабул ҳайъати далолатномалари тасдиқлангандан сўнг йил давомида амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш **бирламчи, такрорий ва жорий** турларга бўлинади.

Бирламчи техник ҳисобга олиш янги қурилган ва фойдаланишга топширилган Шаҳар кўчасинида, шу билан бирга, техник паспортга эга бўлмаган, мавжуд йўлларда мазкур қўлланма қоидаларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

Такрорий техник ҳисобга олиш олдин паспортлаштирилган йўлларда, уларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида, йўл ўлчамларида жиддий ўзгаришлар юзага келса, ёки техник даражаси ошса, кейингина амалга оширилади.

Жорий техник ҳисобга олиш, ҳар йили йиллик жорий ишлар натижалари ва йўлнинг айрим ўзгарувчан ўлчамларини ўлчаб асослаш билан йўлнинг мавжуд паспорт маълумотларини таҳлили бўйича амалга оширилади.

Шаҳар кўчаси ва Шаҳар кўчаси иншоотларининг қуйидаги элементлари техник ҳисобга олиниши ва паспортлаштирилиши лозим: йўл элементлари, сунъий иншоотлар, йўл хизмати бинолари, муҳандислик жиҳозлари ва йўлнинг жиҳозланиши, йўлни кўкаламзорлаштириш, йўлдаги хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари.

Техник ҳисобга олиниши лозим бўлган йўл элементлари қуйидагилар ҳисобланади: қизил чизиқ ичида умумий тавсифи, йўл пойи кенглиги,

кўтарма баландлиги ва ўйма чуқурлиги, ажратувчи тасма ва йўл чети мустахкамланган тасмаси мавжудлигини кўрсатиш билан қатнов қисми кенглиги, қатнов қисми қопламаси тури ва ҳолати, Пиёдалар ёлаги, йўл чети мустахкамланган кенглиги ва техник ҳолати, Шаҳар кўчасини режаси ва бўйлама кесими тавсифи, шу жумладан кўриниш етарли бўлмаслиги билан, режада ва бўйлама кесимда эгрилик радиуси кичик бўлиши билан, катта бўйлама қиялик билан, режа ва бўйлама кесим элементларининг ноҳуш уйғунлиги билан ШНҚ 2.05.02-07 “Шаҳар кўчасини” ва шаҳар кўчаси ва йўллари талабларига мувофиқ келмайдиган йўл бўлаклари ва бошқа ҳолларда йўл элементларининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ келмаслиги, бошқа Шаҳар кўчасини га туташининг мавжудлиги ва улар билан, шу билан бирга темир йўллар билан кесишиш, тушишлар мавжудлиги, шу жумладан қаттиқ қопламалар билан ва қопламасиз.

Сунъий иншоотларга қуйидагилар киради: кўприklar, йўл ўтказгичлар, виадуклар, ер ости ва усти пиёдалар ўтиш жойлари, қувурлар, ҳимоя деворлари, туннеллар ва галереялар.

Муҳандислик жихозлари ва йўлнинг жиҳозланишига қуйидагилар киради: автобус бекатлари, ўтиш-тезлашиш тасмалари, автомобилларнинг тўхташ ва тўхтаб туриши учун майдончалар, дам олиш майдончалари, автобус кутиш учун павильонлар, қум тутиб қолувчи кўчирилувчи тўсиқлар ва деворлар, алоқа тармоқлари ва йўлнинг ёритилганлиги, йўл белгилари, ишора устунчалари, йўналтирувчи қурилмалар.

Йўлларни кўкаламзорлаштиришга қумдан ҳимояловчи ва манзарали дарахтлар киради.

Йўл сервис бино ва иншоотларига қуйидагилар киради: автобус бекатлари, автошоҳбекатлар, назорат-ўтказиш жойлари, ЙПХ масканлари, меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, техник хизмат кўрсатиш шахобчалари, ёқилғи қуйиш шахобчалари, автомобилларни ювиш жойлари,

овқатланиш жойлари (кафелар, ресторанлар, буфетлар, ошхоналар, чойхоналар), биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари, жамоат хожатхоналари, почта, телеграф, телефон.

Умумий фойдаланишдаги Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш Ш.Н.Қ 01-2007 белгиланган тартибда доимий равишда амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги Шаҳар кўчасини бир вақтда техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш “Ўзавтойўл” ДАК фармойиши билан амалга оширилади.

Техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришни йўл хўжалиги корхоналарига қарашли бўлган ташкилотлар ва бўлимлар, йўл ва йўл иншоотларини сақлашга ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширади.

Техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришни ўтказишга илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар, хусусий корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тузиладиган шартнома бўйича жалб қилиниши мумкин.

Техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш ўтказиш бўйича ишлар тайёргарлик, дала-ўлчаш ва камерал ишларга бўлинади.

Тайёргарлик ишларига тайёргарлик ҳамма босқичлари киради.

Дала-ўлчаш ишларига Шаҳар кўчаси ва йўл иншоотларини ўлчаш, ҳақиқий текшириш киради.

Камерал ишларга, дала-ўлчаш ишлари маълумотларини қайта ишлаш ва техник ҳисобга олиш ҳужжатларини расмийлаштириш киради. Техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш маълумотларига ҳар йилги аниқлик киритишда ҳам, камерал ишлар бажарилади.

Бирламчи техник ҳисобга олиш, Давлат ҳайъати йўлни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлагандан 6 ой кейин ўтказилади.

Йилда бир марта жорий ҳисобга олиш маълумотлари бўйича 1 январь ҳолатига кура йўл паспортига ўзгартиришлар киритилади.

Паспортни бирламчи тўлдириш, йўл ва йўл иншоотлари элементларининг сифатларини ва техник ҳолатини визуал ёки ўлчов асбоблари билан аниқлаш, ўлчаш, батафсил тушунтириш орқали йўлларни текшириш асосида амалга оширилади. Йўлларни бирламчи паспортлаштиришда, текширилаётган йўл ёки унинг бўлаги бўйича ҳамма мавжуд ижро ва лойиха-смета хужжатларидан фойдаланилади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш қўшимча ҳисобланиб, дала-ўлчаш ишларини амалга ошириш заруратини истисно қилмайди.

Жорий ва қайтадан техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришда, мазкур хужжатлардан ташқари, шаҳар йўлларини ва йўл иншоотларини баҳорги ва кузги кўрик, диагностика маълумотларидан фойдаланилиши мумкин.

Сунъий иншоотларни ҳисобга олиш, варақалар, китоблар ва қайдномалар бўйича олиб борилади. Варақалар ва китоблар бирламчи хужжатлар ҳисобланиб, ўзида қуйидагиларни акс эттиради: варақалар – иншоотлар тўғрисидаги асосий маълумотларни ва иншоот чизмасини; китоблар – иншоот ўлчамларида юзага келадиган барча ўзгаришлар ҳақидаги ёзувларни. Сунъий иншоотлар варақалари уларнинг узунлигидан қатъий назар, ҳар бир кўприкка, йўлўтказгичга ва ҳар бир қувурга юритилади.

ШАҲАР КЎЧАСИНИ ТЕХНИК ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ПАСПОРТЛАШТИРИШДА ДАЛА-ЎЛЧАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ

Паспортга киритиладиган ҳамма техник маълумотлар ва техник ҳисобга олишнинг ҳужжатлари, тайёргарлик, дала ва камерал ишларни ўтказиш натижалари бўйича олинади.

Тайёргарлик ишлари босқичида, иш ҳажмлари, меҳнат ва транспорт харажатлари, ишларни бажариш муддатлари аниқланадиган дастур тузилади. Йўлларни паспортлаштириш ёрдамчи материаллари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ва дала ишларини бажаришда мажбурий равишда аниқланадиган мавжуд техник ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш амалга оширилади.

Бошланғич босқичда умумий фойдаланишдаги Шаҳар кўчасининг узунлиги титул рўйхати, ижро ёки лойиҳа (улар мавжуд бўлганда) маълумотлари асосида қабул қилиниши мумкин. Бунда, йўллар узунлиги, йўл кесиб ўтадиган ҳудудларнинг маъмурий бўйсунушидан қатъий назар, бошланғич жойдан охирига жойгача узлуксиз аниқланади. Агар, техник ҳисобга олинadиган ва паспортлаштириладиган йўл бошқа Шаҳар кўчаси билан (шу жумладан шаҳар чегарасида) тўғри келадиган бўлақларга эга бўлса, у ҳолда бу бўлақлар узунлигини ва жиҳозларини аниқлаш амалдаги қонунчиликга мувофиқ амалга оширилади. Шаҳар кўчасини халқ хўжалигидаги ва маъмурий аҳамияти бўйича таснифлашда ШНҚ 2.05.02-07 “Шаҳар кўчасини” га амал қилиш лозим.

Техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш бўйича дала-ўлчаш ишлари, йўл хўжалиги корхонаси томонидан ташкил қилинган ва транспорт воситалари, зарур бўлган жиҳозлар ва асбоблар жамланмаси билан таъминланган, ихтисослашган партиялар томонидан бажарилади. Ташқи ташкилотлар кучи билан техник ҳисобга олиш ва паспортлаштиришни ўтказишда, ихтисослаштирилган партиялар ушбу ташкилотлар томонидан

ташкил қилинади. Дала-ўлчаш ишларини транспорт воситалари ва зарур бўлган жиҳозлар билан таъминлашни йўл хўжалиги корхоналари амалга оширади. Партия таркиби, асбоблар жамланмаси ва транспорт воситаларининг сони, ҳар қайси алоҳида ҳолатда, дала-ўлчаш ишлари ҳажми ва тавсифидан келиб чиқиб аниқланади. Дала-ўлчаш ишларини бошлашдан олдин партиянинг ҳамма шахсий таркиби техника хавфсизлиги бўйича тегишли инструктаждан ўтиши лозим. Партияларга шу билан бирга, ҳар қайси хизмат кўрсатилаётган йўл бўйича мавжуд бўлган, лойиҳа ва ҳисобга олиш маълумотлари берилиши лозим. Бу маълумотлардан фойдаланиш дала ишларининг заруратини инкор қилмайди.

Дала-ўлчаш ишлари қондасига кўра умумлашган ҳолда ўтказилади, яъни оддий ўлчашлар билан визуал текшириш ва қўзғаладиган лабораторияни қўллаш билан батафсил текшириш. Шаҳар кўчасида дала-ўлчаш ишларини ўтказишда, Шаҳар кўчасини ва улардаги иншоотлар мавжудлиги йиғма қайдномасидан ташқари, МҚН 01-2007 да кўрсатилган хужжатлар расмийлаштирилиши зарур, пикетлаш китобчаси, бурчак ўлчаш ва нивелирлаш журналлари белгиланган намунада тўлдирилади.

Маҳаллий аҳамиятдаги тупроқли йўлларда фақат кўприклар, йўл ўтказгичлар варақалари, пикетлаш китобчаси, бурчак ўлчаш ва нивелирлаш журналлари, чизикли график тўлдирилади. Ҳамма дала-ўлчаш ёзувларини қалам билан яққол ёзиш зарур. Нотўғри ёзилганларни тўғрилашда устидан чизилади ва устидан ёки ёнидан янги ёзув ёзилади. Нотўғри тўлдирилган ёзувларни ўчириш тақиқланади. Дала-ўлчаш ёзувларининг ҳар бир бетида уларни киритилган вақти (сана, ой, йил) кўрсатилиши ва ёзувларни бажарган шахс яққол имзо қўйиши керак. Пикетлаш китобчасининг биринчи бетида партия бошлиғи ва ижрочиларнинг фамилияси ва исм-шарифи, шу билан бирга ишларни бажарувчи ташкилотнинг номи ва манзили кўрсатилган бўлиши лозим.

Бажарилган дала-ўлчаш ишлари асосида йўлнинг қуйидаги кўрсаткичлари, ўлчамлари ва тавсифлари бўйича ахборотлар олинган (ёки аниқлаштирилган) бўлиши лозим:

- Шаҳар кўчасини тўғрисида умумий маълумотлар (йўлнинг техник тоифаси, рақами ва номланиши; йўлнинг умумий узунлиги, шу билан бирга шаҳарларга киришда жойлашган йўл бўлаклари ва шахобчалари; ҳаракат жадаллиги ва таркиби; Шаҳар кўчаси бўйлаб вазият режаси; Шаҳар кўчасинидан ўтган туман топографик шароити; йўлга хизмат кўрсатувчи йўл ташкилоти; йўлнинг иқтисодий ва маъмурий аҳамияти; йўл кесиб ўтадиган аҳоли яшаш жойлари мавжудлиги; йўлдан уларгача бўлган масофани кўрсатиш билан (20 км гача) йўлдан бирор тарафда жойлашган йирик аҳоли яшаш жойининг мавжудлиги; ҳаракат жадаллигини автоматик ҳисобга олиш жойи; тарози назорати жойи; йўл минтақасидаги муҳандислик коммуникациялари);

- геометрик ўлчамлар ва тавсифлар (қизил чизиқ кенглиги; режа ва бўйлама кесимнинг тавсифлари, шу билан бирга режада ва кесимдаги эгрилар радиуси, белгиланган йўл тоифаси учун ШНҚ 2.05.02-07 “Шаҳар кўчасини” талабларига жавоб бермайдиган режада ва кесимдаги эгрилар радиуси, бўйлама қияликлар, виражлар мавжудлиги; режада ва кесимда йўл устки юзасининг қуриниш масофасини аниқлаш; йўл пойи кенглиги; қатнов қисмининг ва мустаҳкамланган тасманинг кенглиги; тик кўтарилишдаги қўшимча тасма кенглиги, кичик радиусли эгриларда қатнов қисмини кенгайтириш; йўл чети кенглиги, шу билан бирга мустаҳкамланган қисми кенглиги; тротуарлар ва пиёдалар йўлакчалари кенглиги);

- йўл тушамаси ва қопламаси тавсифи (йўл тушамаси ва қопламаси тузилмаси; йўл пойи тупроғи тури; қоплама бўйлама равонлиги).

- сунъий иншоотлар (кўприklar, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, туннеллар, галереялар, қувурлар, тиргак деворлар жойлашиши; сунъий иншоотлар қурилган йили; кўприklar ва йўл ўтказгичлар юк кўтариши; оралиқ қурилмалар тўғрисида маълумотлар; таянчлар тўғрисида

маълумотлар; сувни изга солувчи иншоотлар тўғрисида маълумотлар; кўприкка, йўл ўтказгичга туташмалар тўғрисида маълумотлар; қувурларнинг материали, тури, ўлчамлари, ҳолати ва мавжудлиги);

- муҳандислик жиҳозлари ва жиҳозланиши (километр белгилари; йўл белгилари, уларнинг жойлашиши, ҳолати ва жойлаштириш қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги; тўсиқлар, уларнинг тузилмалари, жойлашиш ўрни, узунлиги, ҳолати, ўрнатиш қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги; аҳоли яшаш жойларидан ўтган йўл бўлакларини ва ҳар хил сатҳдаги транспорт бўғинларини ёритиш; Шаҳар кўчасини ва темир йўллар билан кесишиш, туташиш, уларнинг тури, жойлашиши; автобус бекатлари ва павильонлар, дам олиш майдончалари, автомобиллар тўхташ ва тўхтаб туриш учун майдончалари, уларнинг асосий ўлчамлари; қатнов қисмининг кўшимча тасмалари, ўтиш-тезлашиш тасмалари, уларнинг асосий ўлчамлари);

- сақлаш мураккаблиги юқори бўлган йўл бўлаклари (ўпирилиш мавжуд йўл бўлаклари узунлиги, шўрланган йўл бўлаклари узунлиги, қум босадиган йўл бўлаклари узунлиги, дўппайиб қолган йўл бўлаклари узунлиги);

- ҳимоя қурилмалари (шовқиндан ҳимояловчи ва манзарали дарахтлар ва дарахт тасмалари, шовқиндан ҳимояловчи қурилмалар, қор кўчкиларидан, сурилишлардан, ўпирилишлардан, селлардан ва шунга ўхшашлардан йўлларни ҳимоялаш учун қурилмалар);

- ҳаракатга хизмат кўрсатиш ва йўл сервиси объектлари (автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари, техник хизмат кўрсатиш шахобчалари; мотеллар, кемпинглар, меҳмонхоналар, овқатланиш шахобчалари, тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари, ЙПХ масканлари, автошохбекатлар, почта, телеграф, телефон; юқорида кўрсатилган объектларга кириш ва чиқиш йўлларининг мавжудлиги; йўл хизмати бино ва иншоотлари, сирпанчиққа қарши материаллар базалари, қум базалари,

йилнинг ҳар хил мавсумларида йўллардан фойдаланиш учун йўл машиналари жойлашиш ўрни).

Шаҳар кўчасининг боши ва охири лойиҳа ишчи ҳужжатлари бўйича аниқланади ва йўл корхоналарида жойига чиқиб аниқлаштирилади. Километр кўрсаткичларини белгилаш тартиби километр кўрсаткичларини белгилашнинг амалдаги ягона тартибига мувофиқ аниқланади.

Шаҳар кўчаси узунлигини ўлчаш пўлат ўлчов тасмаси билан қатнов қисми ўқи бўйича техник қидирувларда қабул қилинган аниқликда амалга оширилади. Ҳаракат жадаллиги юқори бўлган *Шаҳар* йўллари узунлигини ўлчов тасмаси билан ёки махсус “шагомер” қурилмаси билан йўл қатнов қисми чап қирғоғида, тупроқли йўлларда эса – Автомобил спидометри билан ўлчаш мумкин. Янги Шаҳар кўчасида километр кўрсаткичини белгилашда километр нуқтаси ер устки юзасидан 1 м баландликда ва Шаҳар кўчасини кўндаланг кесимига боғлиқ ҳолда йўл чети чегарасидан ташқарида йўл пойи бўйлаб камида 5 см диаметрли мустаҳкам қозиқ билан мустаҳкамланади:

чуқурлиги 1,5 м гача бўлган ўймаларда, худди шундай 1 м гача бўлган кўтармаларда - ўйма, ариқча ёки кўтарма этаги қошидан 0,5 м масофада четда;

чуқурлиги 1,5 м дан катта ўймаларда – ўйма ён қиялигида йўл пойи қоши баландлигида устунни тупроқ тўлдириб текислаш билан;

1 м дан баланд кўтармада – кўтарма ён қиялигида йўл пойи қошидан 1 м масофада (горизонталига).

Шаҳар кўчасини элементлари ҳисобланадиган кўприклар, йўл ўтказгичлар, айвонлар ва бошқа иншоотлар ва бинолар жойлашиш ўрни, иншоот кўндаланг ўқи билан йўл ўқи кесишадиган нуқтадан аниқланади. Йўл утида жойлашган йўл ўтказгичлар, худди шундай йўл остида жойлашган сув ўтказувчи қувурлар жойлашиш ўрни, йўл ўтказгичнинг (қувурларнинг) бўйлама ўқи билан йўл ўқи кесишадиган нуқтадан аниқланади.

Йўл минтақасидан ташқарида (шаҳарларда ва бошқа аҳоли яшаш жойларида) жойлашган йўл хизмати бинолари ва автосервис корхоналари

жойлашиш ўрни, йўл километр белгисига яқинроқ жойлашган шаҳарни ёки аҳоли яшаш жойини кўрсатиш билан қайд қилинади. Йўлдан бинолар анчагина узоқлашганда, чизиқли графикда уларгача бўлган масофа кўрсатилади.

Айрим ҳолларда, бирон бир ҳудуднинг ўзида бир неча бинолар жойлашса, мажмуанинг жойлашиш ўрни бош бино жойлашиш ўрни бўйича аниқланади. Йўлдаги бино ва иншоотларнинг жойлашиш ўрни тартибдаги километр ва мувофиқ келувчи метрни кўрсатиш билан қайд қилинади.

Бўйлама қияликни ва режадаги эгри радиусини қайд қилиш учун, Шаҳар кўчаси мазкур бўлагининг режа ва бўйлама кесим лойиҳа маълумотларидан ва ишчи ҳужжатларидан фойдаланилади. Мазкур ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, режадаги эгрилар радиусини ва бўйлама қияликларни баҳолаш тегишли асбоблар ва жиҳозлар билан жиҳозланган кўзгалувчи йўл лабораторияси ёрдамида, ёки геодезик асбоблар ёрдамида бажарилади. Мазкур йўл тоифаси учун рухсат этилгандан катта бўлган ҳамма бўйлама қияликлар ва кичик бўлган режадаги эгрилар радиуси белгиланган ва Шаҳар кўчасининг чизиқли графикгига киритилган бўлиши лозим. Қатнов қисмининг кўриниш масофаси йўлда бевосита кузатиш билан аниқланади ва чизиқли графикнинг тегишли графасига тўлдирилади.

Ҳаракат жадаллиги ва таркиби, йўл-фойдаланиш ташкилотида мавжуд бўлган, ҳаракатни бевосита ҳисобга олиш маълумотлари бўйича аниқланади. Ҳаракат ўлчами тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳаракат жадаллигининг қисқа муддатли назорат ҳисобини ўтказиш ва МҚН 45-2007 асосида йиллик ўртача суткалик ҳаракат жадаллигини аниқлаш зарур.

Аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида жой манзарасини йўл пойи қошидан чапга ва ўнга 50 м кенгликда, аҳоли яшаш пунктларида эса иншоотлар чизиги оралиғида туширилади (лекин йўлдан ҳар икки тарафга 50 м дан кўп эмас). Жой манзарасини чизиқли графикда унинг иловасида келтирилган ва топографик съёмкада қабул қилинган шартли белгилар билан

кўрсатилади. Жой манзараси туширилаётганда қуйидагилар албатта белгиланиши лозим:

- Қизил чизик чегаралари;
- дарёлар, сойлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари;
- сунъий иншоотлар;
- автосервис корхоналарининг бинолари (ҳамда 50 метрли кенгликдан ташқарида ҳам);
- ҳисобга олинаётган йўл кесишаётган темир ва Шаҳар йўллари, ҳамда унинг қўшилиши ёки туталиши мумкин бўлган Шаҳар йўллари;
- йўлдан тушиш йўллари;
- йўлга ажратилган минтақа чегарасида жойлашган турар жой бинолари ва бошқа иншоотлар (йўл бўйлаб ўтказилган ёки у билан кесишувчи газ ўтказгич, сув ўтказгич, оқава сув, алоқа электр узатгич линиялари).

Бунда албатта қуйидагилар кўрсатилади:

- дарё ва бошқа сув оқимлари учун уларнинг номланиши (агар бўлса) ва оқим йўналиши;

- кесишаётган темир йўллар учун - Шаҳар кўчасини номи ва Шаҳар кўчасидан чапда ва ўнгда жойлашган энг яқин станциянинг номланиши (километраж йўналиши бўйича);

- кесишаётган, туташаётган ёки қўшилаётган Шаҳар кўчаси учун – йўлнинг ва унинг чап ва ўнг томонида яқин жойлашган аҳоли пунктларининг номланиши. Қўшилаётган йўллар учун, булардан ташқари, йўллар қўшилаётган қисмларининг чегаралари кўрсатилади;

- автосервис корхоналари учун – уларнинг қуввати, жой сони ва хоказо.

Қизил чизик ораси, йўл ёқаси ва қатнов қисмининг эини Шаҳар кўчасини ҳар бир 20м да 0,1 м гача аниқликда, ҳамда улардан бирининг эни ўзгарган барча жойларда ўлчанади.

Йўл пойи грунтлари амалдаги таснифга мувофиқ тавсифланади ва қуйидаги турларга бўлинади: шебенли, майда шағалли, қумли ва глинали (супеслар, суглиноклар, глиналар). Бунда, албатта, барча кўриниб турган

тупроқ-грунт шароити (сочилувчан қум, торф ва ҳоказо.) келтирилиши лозим. Аниқланган кўпчишга моил жойларни чизиқли графикда белгиланади.

Грунтни унинг тавсифи ҳар бир кескин ўзгарган жойида, ҳар бир километрда бир мартадан кам бўлмасдан аниқланади. Лаборатория таҳлили учун намуна олиш жойини аниқ иш шароитидан келиб чиқиб аниқланади.

Йўл қопламасининг сифатини, ўтказилган мавсумий кўздан кечириш ёки *Шаҳар* йўлларининг батафсил текширув натижаларини ҳисобга олиб, уч балли тизим бўйича (яхши, қониқарли, қониқарсиз) баҳоланади.

Йўл тўшамасининг қалинлигини ҳар бир кўндаланг қирқимнинг учта жойида, 1 км га 3 тадан кўндаланг қирқим ҳисобида аниқланади. Чуқурча ўйиш билан фақат техник ёки лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлмагандагина ўлчанади.

Қоплама ўқи бўйича битта, қолган иккита чуқурчани - қоплама четидан 0,5 м масофада ўйилади. Чуқурчани ўлчаб бўлгач, дарҳол ямаб кўйилади.

Йўл тўшамаси қатламининг қалинлигини 1 см гача аниқликда, ҳар бир конструктив қатлам учун ўлчанади. Йўл тўшамаси ва унинг алоҳида қатламлари қалинлиги ҳақидаги маълумотларни дала журналига ёзиб борилади.

Шаҳар кўчасининг техник паспортидаги чизиқли графикда йўл тўшамаси тузилмаси ўзгарган жойларда унинг конструктив қатламлари қалинлигини ўртача арифметик қиймати кўрсатилади.

Сунъий иншоотлар ҳақидаги ўлчовлар ва ёзувларни шундай бажариш лозимки, сунъий иншоотни ҳисобга олиш варақасидаги барча саволларга тўлиқ жавоб бериш мумкин бўлсин.

Хусусан, кўприк ва йўлўтказгичларда қуйидагилар ўлчанади:

- кўприк остида БСС даги эркин сув юзаси кенглиги бўйича кўприк ости оралиғи;

- кўприк устунларининг орқа қирралари орасидаги оралиқ бўйича кўприк (йўлўтказгич) нинг тўлиқ узунлиги;

- тўсиқларнинг ички қирралари орасидаги масофа бўйича қатнов қисмининг эни;

- эркин қатнов кенглиги бўйича пиёдалар йўлкасининг эни;

- кўприк пойи қопламаси усти билан равоқ ости ёки фермалар устки боғланиши орасидаги масофа бўйича габарити;

- ПСС ва кўприкнинг кема юрадиган оралиғининг оралиқ қурилмаси ости белгиси ва паст сув сатҳидаги кўприк кема юрадиган оралиғи таянчлари ички қирралари ўртасидаги масофа фарқи бўйича кўприк ости габарити;

- кесишаётган Шаҳар кўчаси бўйлама ўқи ёки кесишаётган темир йўли рельси каллаклари ва йўлўтказгич оралиқ қурилмаси остки белгилари фарқи бўйича ва ер сатҳидаги йўлўтказгич таянчлари ички қирралари орасидаги масофа бўйича йўлўтказгич остидан ўтиш габарити;

- оралиқ қурилмаларнинг таянч майдончалари ўқлари ораси бўйича оралиқ қурилманинг ҳисобий қиймати;

- кўприк ёки йўлўтказгичнинг асосий элементларининг қирқим ўлчамлари;

- қатнов пойининг асосий элементларининг ўлчами ва бошқалар;

- кўприкнинг асосий ва кенгайтирилган қисмининг бўйлама схемаси.

Кўприк бўйлама схемаси, “+” белгиси билан бириктирилган, оралиқ ҳисобий узунлиги миқдорининг ёзувлари йиғиндисидан ташкил топган. Бир хил оралиқларда “+” белгиси кўпайтириш белгисига алмаштирилади, бу ерда кўпаювчи сифатида оралиқлар сони ёзилади, кўпайтирувчи сифатида эса – оралиқ узунлиги (масалан: 4х16,76 –16,76 м узунликдаги оралиқлар сони). Кўприк схемасида консол бор бўлганда консол узунлиги миқдориغا К ҳарфи қўшилади (масалан: K11+30+K11- тўсинли-консолли схемани билдиради, бу ерда 11 м узунликдаги 2 та консол ва 30 м узунликдаги ўртача оралиқ). Оралиқларнинг бир хил блоклари такрорланганда, уларни худди шундай кўпайтма шаклида ёзиш мумкин, бу ерда кўпаювчи – блоklar сони, кўпайтирувчи эса – қавс ичида келтирилган ифода, бу ерда ифода сифатида блок схемаси ёзилади. Оралиқ қурилма осма қисми П ҳарфи билан

белгиланади ва ҳарфдан кейин осма қисми узунлиги ёзилади. Қирқилмаган оралик қурилма блок схемалари ёзуви, худди шундай қавсда берилади ва ундан олдин “Н” ҳарфи қуйилади.

Градуслардаги уринма бурчак, таянчлар бўйлама ўқи ва кўприк бўйлама ўқиға перпендикуляр орасидаги бурчак сифатида аниқланади.

Оралик қурилмалар қуйидаги параметрлар билан тавсифланади:

- кўприк қисми (ёки “асосий”, ёки “кенгайтирилган”);
- бир хил балкаларга эга ораликларнинг тартиб рақамлари;
- балкалар тури (оралик қурилмалар каталогидаги тартиб рақами, балкаларнинг намунавий лойиҳасидаги тартиб рақами, балкалар материали).
- қирқимдаги балкалар сони;
- балкалар орасидаги масофа;
- балкалар узунлиги.

“Кўприк учун варақа” тўлдириляётганда қуйидаги маълумотларни тўплаш лозим:

- чап томоннинг таянч қисми тури;
- ўнг томоннинг таянч қисми тури;
- ораликнинг чап қисмидаги деформацион чок тури;
- ораликнинг ўнг қисмидаги деформацион чок тури.

Кўприк таянчини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

- таянч тури (таянч турининг қисқа номи берилади);
- пойдевор тури (монолит, табиий ёки қозиқли асосдаги йиғма, пойдевор ўлчамлари, қозиқоёқлар сони ва ҳоказо);
- пойдевор сатҳидан таянчнинг баландлиги;
- пойдевор чуқурлиги ёки қозиқоёқлар чуқурлиги;
- таянчлар ҳақида [материал, тузилиши, ўлчамлари, қозиқоёқлар (устунлар) сони, қаторлар сони, устун (свая) лар қирқими, ригеллар ўлчами].

Кўприк остидаги ўзан бўйича қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

- ҳисобий баланд сув сатҳи ҲБСС (лойиҳа маълумотлари бўйича қабул қилинади);
- паст сув сатҳи ПСС (ўзан ва кўприкни нивелирлаш натижалари бўйича ҳисобланади);
- сув юзаси сатҳи бўйича дарёнинг эни (дала ишлари жараёнида ўлчанади);
- дарё оралиғининг энг катта чуқурлиги (ҳақиқий ўлчанади);
- муз қалинлиги (лойиҳа маълумотлари бўйича қабул қилинади);
- сув сатҳи бўйича дарёнинг оқим тезлиги (амалда ўлчанган натижалар бўйича қабул қилинади).

Сувни изга солувчи иншоотлар бўйича чап қирғоқдаги ва ўнг қирғоқдаги қайирлар учун алоҳида қуйидаги маълумотлар аниқланади:

- сувни изга солувчи иншоот тури;
- материали (грунт, қум шағал аралашмаси, тош, темир бетон, лом);
- мустаҳкамлаш тури (тош териш, монолит бетон, йиғма бетон ва ҳоказо);
- баланд сув сатҳидан баландлиги (лойиҳа маълумотлари бўйича қабул қилинади);
- сувни изга солувчи иншоотларнинг умумий узунлиги.

“Келиш йўллари” бўлимида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- ҲБСС чизиғи бўйича келиш йўлларининг узунлиги;
- келиш йўлларидаги йўл пойининг эни;
- қатнов қисми эни;
- ёнбағирларни мустаҳкамлаш турлари;
- конусларни мустаҳкамлаш турлари.

Сунъий иншоотларнинг варақалари бирламчи тўлдирилади ва барча ўлчамлар амалда ўлчаб олинади, агарда лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлса, улардаги маълумотлардан фойдаланилади, лекин, албатта асосий ўлчамлар амалдаги билан текширилади.

Сунъий иншоотни таъмирлаш ёки қайта қуриш натижасида унинг тузилмасида қисман ўзгаришлар бўлса, сунъий иншоот варақасига, жадвалдаги маълумотларга ва кўприк схемасига ўзгартиришлар киритилади.

Сув ўтказувчи қувурларда қуйидагилар ўлчанади: туйнуги (баландлиги, эни ёки диаметри), узунлиги, қиялиги, каллагининг асосий ўлчамлари, кириш ва чиқишдаги ўзанининг мустаҳкамланган юзаси, қувур олдидаги кўтарма ёнбағрининг мустаҳкамланган юзаси, қувур устидаги кўтарма баландлиги.

Кўприклар, йўлўтказгичлар, қувурлар ҳақидаги кўздан кечириш йўли билан аниқлаб бўлмайдиган барча керакли маълумотлар, масалан, қурилган йили, таянчлар пойдевори ёки қозикўёқларнинг чуқурлиги, муз қалинлиги, музлаш ва муз оқиш санаси, сув юзаси бўйича дарё эни ва бошқа маълумотларни техник хужжатлардан олинади.

Кўприк ва қувурларнинг варақаларини тартиб рақамлари билан белгиланади. Варақанинг тартиб рақами сунъий иншоотнинг тартиб рақами ҳисобланади. У иншоотнинг йўлдаги ҳолатини белгилаб, йўл километри ва плюс белгисини билдирадиган шифрдан иборат.

Кўприк (йўлўтказгич) лар ва қувурлар учун варақалар тўлдираётганда ўлчамларнинг қийматлари 0,01 м гача аниқликда бутунланади.

Туннелларда қуйидагилар ўлчанади (ёки лойиҳа ва ижро хужжатларидан олинади): узунлиги, габарити, туннел ва пиёдалар йўлакчасининг тўлиқ баландлиги ва эни, равоқларнинг асосий ўлчамлари.

Сунъий иншоотлар ва биноларнинг техник ҳолатини Шаҳар кўчасини мавсумий кўздан кечириш бўйича маълумотларни ҳисобга олган ҳолдаги текширув натижаларига кўра аниқланади ва уч балли тизим бўйича баҳоланади (яхши, қониқарли, қониқарсиз).

Кўприклар, йўлўтказгичлар ва қувурларнинг техник ҳолатини аниқлашда иншоотларнинг жорий, даврий ва махсус кўрик материаллардан фойдаланиш лозим.

Тиргак деворларнинг ҳар бирини алоҳида ўлчанади. Бунда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: деворнинг бошланиши ва тугаши (километр, плюс), унинг жойлашуви (Шаҳар кўчасинидан чапда ёки ўнгда), метрларда узунлиги, тури (бетондан, тошдан, ёғочдан).

Хизмат, саноат ва турар-жой биноларини ўлчаш ва уларни тасвирлаш ҳисобга олиш варақасини тўлдириш учун барча зарурий маълумотларни йиғиш учун керакли ҳажмда бажарилади. Бундан ташқари, барча бинолар бўйича уларнинг ҳар бирини батафсил режа ва қирқимини тузиш учун барча маълумотлар олиниши лозим. Ташқи периметрдан ташқари, иморатнинг ичи (узунлиги, эни, баландлиги), деворлар ва пойдеворларнинг қалинлиги ҳам ўлчанади.

Турар-жой бўлмаган ва махсус техник мақсадга эга бўлмаган биноларни фақат ташқи томонидан – узунлиги, эни, баландлиги ўлчанади.

Бинонинг биринчи қавати баландлигини унинг поли белгисидан қаватлараро бостирманинг юқори белгисигача, бинонинг ўрта қаватларининг баландлигини эса қаватлараро бостирмаларнинг юқори белгилари фарқи бўйича, сўнгги қават баландлигини – қаватлараро ва чордоқ бостирмаларининг юқори белгилари фарқи бўйича, чордоқсиз биноларда эса қаватлараро бостирма билан карнизнинг юқори белгилари фарқи бўйича ўлчанади.

Бинонинг ташқи юзаси бўйича горизонтал қирқиш майдони (қурилиш майдони) ни биринчи қават сатҳида ўлчанади. Бу майдонни бино баландлигига кўпайтириб, бинонинг ҳажми топилади.

Хизмат, саноат ва турар-жой бинолари учун варақаларни ҳар бири бўйича шу варақага ёрдамчи иморатлар ҳақидаги маълумотларни киритиб тўлдирилади.

Агар ҳудудда бир хил турдаги лойиха бўйича қурилган бир неча бинолар бўлса, у ҳолда улар учун битта ҳисобга олиш варақаси тузилади.

Автомобиллар тўхташ майдонлари, дам олиш майдончалари ва автопавильонларнинг тавсифи, уларнинг жойлашган жойи ва сони, кабеллар,

ҳаводаги технологик, ҳамда электр ёритгич линияларини тавсифлашда эса уларнинг жойлашган жойи ва узунлигини аниқланади.

Дала ишларини бажариш жараёнида ва уни тугатгач, барча маълумотларни партия раҳбари ва йўл ташкилотининг бошлиғи текширадилар ва имзолайдилар. Шундан сўнг дала маълумотларини камерал қайта ишлашга киришилади.

МҚН 01-2007 нинг 5.1 ва 5.2 бандларида санаб ўтилган йўлларни техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш бўйича йиғма қайдномадан ташқари, барча ҳужжатлар белгиланган шакл ва шартли белгиларга мувофиқ, ҳар бир йўл учун алоҳида тузилади. Бунда дала ишлари тугагандан сўнг келаси йилнинг 1 январигача бўлган ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Паспорт тузиш учун фойдаланилган барча ҳужжатлар, ҳамда дала китоблари, ёзувлари, ҳомаки чизмалар, схемалар ва хоказолар руйхат билан архивга топширилади ва муҳим ҳисобот ҳужжатлари каби сақланади.

“ОҚҚЎРҒОН” КЎЧАСИДАГИ ҲАРАКАТ ЖАДАЛЛИГИ ВА ТАРКИБИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Шаҳар кўчасидан ўтаётган транспорт воситаларининг сонини ҳисобга олиш автоматик асбоблар (ҳисоблагичлар) ва кўз билан кўриб, яъни визуал, йўл фойдаланиш хизматидаги штатдаги хизматчилардан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш, қоидага кўра, барча Шаҳар, туман ва маҳаллий аҳамиятдаги кўчаларда амалга оширилади.

Механик транспорт воситалари ва тиркамаларининг таснифи бўйича юкларни ташиш учун транспорт воситалари учта H_1 , H_2 , H_3 тоифаларга бўлинади.

H_1 тоифадаги транспорт воситаларига юкларни ташиш учун мўлжалланган ва оғирлиги 3,5 т дан ошмайдиган транспорт воситалари тушунилади.

H_2 тоифадаги транспорт воситаларига юкларни ташиш учун мўлжалланган ва максимал оғирлиги 3,5 т дан кўп, лекин 12,0 т дан ошмайдиган транспорт воситалари тушинилади.

H_3 тоифадаги транспорт воситаларига юкларни ташиш учун мўлжалланган ва максимал оғирлиги 12,0 т дан юқори бўлган транспорт воситалари тушунилади.

Яримтиркама ёки бир ўқли тиркамани шатакка олувчи транспорт воситаси бўлганда, тасниф бўйича транспорт воситасининг оғирлиги сифатида ишчи ҳолатдаги шатакчининг оғирлиги плус яримтиркама ёки бир ўқли тиркамадан шатакчига узатиладиган максимал статик юклама ва тегишли ҳолларда плус шатакчининг ўз оғирлиги олинади.

Барча автомобиллар ҳаракат таркиби қуйидаги алоҳида гуруҳлар бўйича ҳисобга олинади:

- юк кўтариш қобилияти 3,5 т гача бўлган енгил юк автомобиллари (H_1 тоифа);

- юк кўтариш қобилияти 3,5 т дан 12,0 т гача бўлган ўртача юк автомобиллари (H_2 тоифа);

- юк кўтариш қобилияти 12,0 т дан юқори бўлган оғир юк автомобиллари (H_3 тоифа);

- автопоездлар (амалдаги оғирлик тоифалари бўйича);

- енгил автомобиллар;

- автобуслар;

- таркторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари;

- мотоцикллар ва велосипедлар.

Дала шароитларида (визуал) ҳаракат жадаллиги ва таркибини ҳисобга олишни ишнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, қуйидаги давомийликда амалга ошириш тавсия этилади:

а) лойиҳа ишларини бажариш учун 10-11 соатгача;

б) йўл тоифасини аниқлаш учун 8-10 соатгача;

в) йўлни капитал таъмирлаш учун 6-8 соатгача;

г) йўлни жорий таъмирлаш учун 4-6 соатгача;

д) йўл ҳаракатини ташкил қилиш учун 1-4 соатгача;

е) вақтинчалик йўл ҳаракатини ташкил қилиш учун соатгача.

Ҳаракат жадаллигини кўз билан кўриб (визуал) ҳисобга олишда ўртача суткалик ҳаракат жадаллиги дала шароитларида аниқланган 1, 2, 3, ... 11 соатлик (H соат) ҳаракат жадаллиги учун аниқланган ўтиш коэффициенти “ $K_{\text{ў}}$ ” орқали қуйидаги формула билан топилади:

$$H_{\text{сут}} = H_{\text{соат}} * K_{\text{ў}}$$

бу ерда; $K_{\text{ў}}$ -соатлик ҳаракат жадаллигидан ўртача суткалик ҳаракат жадаллигига ўтиш коэффициенти.

Ўртача йиллик суткалик ҳаракат жадаллиги қуйидаги формула орқали топилади:

$$H_{\text{ўр.сут}} = H_{\text{сут}} * K_{\text{й}}$$

бу ерда: - ўртача суткалик ҳаракат жадаллигидан ўртача йиллик ҳаракат жадаллигига ўтиш коэффициенти.

Ҳаракат таркибини аниқлаш учун ўртача суткалик ёки ўртача йиллик ҳаракат жадаллигини ўртача суткалик ҳаракат таркибининг салмоғдорлик коэффициентига кўпайтирилади.

Бундай ҳисобга олиш махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича амалга оширилади.

Транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш бўйича ҳисобот материаллари ушбу қўлланмада келтирилган муддатларда ва тартибда тақдим этилади.

Шаҳар кўчасидан ўтаётган транспорт воситаларини ҳисобга олиш ўтказилаётган жой ҳисобга олиш пункти деб аталади. Ҳисобга олиш пунктлари учун Шаҳар кўчасининг ҳаракат жадаллиги ва таркиби ўзгариши мумкин бўлган жойлари танланади. Ҳисобга олиш пунктлари жиҳозланганлигига кўра автоматик ва визуал (кўз билан кўриб) бўлиши мумкин. Ҳисобга олиш пунктларини белгилаётганда йўллар тармоғини рақамли тасвирлаш учун автоматлаштирилган тизимда фойдаланиладиган локал усулни ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир ҳисобга олиш пунктидаги йўл кўндаланг қирқимидан белгиланган вақтда ўтаётган транспорт воситалари ҳаракат йўналишлари бўйича алоҳида рўйхатга олинади.

Қоидага кўра ҳисобга олиш пунктлари қуйидаги жойларда жойлаштирилади:

- Шаҳар кўчасининг кесишувларида;
- асосий йўлга юк ёки йўловчи ҳосил қилувчи пунктлардан, курорт ёки дала-ҳовли посёлкаларидан келиб туташувчи Шаҳар кўчасининг туташмаларида;
- маъмурий ва саноат марказларига келаверишда, ҳамда улардан ўтгандан сўнг;
- Шаҳар кўчасининг айрилиш жойларида;
- шаҳар ва йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтиш йўлларининг айрилиш ва туташуш жойларида.

Ҳисобга олиш пункти жойлашган жойни танлаш учун йўл органлари рекогносцировка қидирувларини ўтказиб, ҳаракат жадаллигини тебраниш (ўзгариш) ўлчамлари, бу тебранишларнинг сабабларини, жойдаги иқтисодий ва автотранспорт алоқалари ривожланишининг истиқболларини аниқлайдилар. Ҳисобга олиш пунктининг жойдаги ўрни ва унинг жиҳозланганлиги йўлдан тўғри ва тескари йўналишларда ўтаётган барча транспорт воситаларини об-ҳаво шароитидан қатъий назар, йилнинг ва сутканинг ҳоҳлаган вақтида ҳисобга олишни таъминлай олиши лозим. Йўлнинг қатнов қисми ва йўл ҳолати ҳисобга олинаётган туманда транспорт воситаларининг бемалол ҳаракатини таъминлаш лозим. Кўз билан кўриб (визуал) ҳисобга олиш пунктида ҳисобчининг кўриш майдонида ўтаётган транспорт воситаларини кузатишга ҳалақит берувчи нарсалар бўлиши мумкин эмас. Дала шароитларида ҳисобга олиш пунктларини жойлаштириш учун ҳисобчилар ва асбобларнинг меъёрида ишлашини таъминлай оладиган будкалар, палаткалар ёки шунга ўхшаш бошқа пана қилувчи мосламалар ўрнатилади. Ҳар бир ҳисобга олиш пункти учун йўл таъмирлаш бўлими (ЙТБ) бошлиғида ҳисобга олиш варақалари (1-шакл), автоматик асбоблар кўрсаткичларини ёзиш учун журналлар, ёзув қуроллари (папкалар, қаламлар ва шу каби), соатлар, сутканинг қоронғи вақтида ишлаш учун фонарлар, автомобилларнинг асосий моделлари бўйича қўлланма материаллари (автомобилларнинг ташқи кўриниши туширилган плакатлар, юк кўтара олиш бўйича жадваллар ва шу каби) ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш бўйича қўлланмаларнинг кераклича захираси бўлиши лозим.

Шаҳар кўчасида транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш ҳар йили, ҳар ойнинг 15-20 кунида (сешанба, чоршанба, пайшанба), унинг ўтказилиш кўриниши (автоматик асбоблар билан ёки кўз билан кўриб) дан қатъий назар амалга оширилади. Автоматик асбоблар (ҳисоблагичлар) билан жиҳозланган ҳисобга олиш пунктларида йўл хўжалигининг корхоналари ёки юқори турувчи ташкилотлар фармойишига кўра ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланиш

имкониятидан келиб чиқиб, ҳисобга олиш ойда бир неча бор амалга оширишилиши мумкин. Бунда ҳисобга олиш ҳар ойнинг 15-20 кунда ўтказилиши шарт. Белгиланган кунларда ҳаракат жадаллигини автоматик асбоблар билан ҳисобга олиш сутканинг маҳаллий вақт бўйича соат 0.00 дан 24.00 гача бўлган вақтида, кўз билан кўриб ҳисобга олинганда эса маҳаллий вақт бўйича соат 8.00 дан 19.00 гача бўлган оралиғида амалга оширилади. Кўз билан кўриб ҳисобга олганда унинг давомийлиги қўйилган мақсад ва вазифадан келиб чиқиб, 2.5 бандга мувофиқ белгиланади. Ҳисобга олишнинг энг кам давомийлиги 4 соатни ташкил этади (8^{00} дан 12^{00} гача ёки 15^{00} дан 19^{00} гача). Энг кам давомийликдаги ҳисобга олиш натижаларининг аниқлигини бошқа кунларда қўшимча ҳисобга олиш билан ошириш мумкин.

Байрам ёки бошқа оммавий тадбирлар ўтказиладиган кунлардаги ҳаракат жадаллигининг ўзига хослиги ва хусусиятларини аниқлаш зарурияти туғилса ҳисобга олиш тақвимга қарамай ўтказилади. Бундай ҳисобга олиш натижалари ҳисобот маълумотларига киритилмай, тушунтириш хатида келтирилади. Шаҳар кўчасида транспорт воситаларининг ҳаракатини статистик кўрсаткичларини белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Ҳисобга олишни автоматик асбоблар билан амалга ошириш имконияти бўлмаганида уни кўз билан кўриш (визуал) усулида ташкил қилади ва ўтказди. Ҳисобга олиш пунктидаги жиҳозлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олишнинг техник воситалари сақланишига моддий жавобгар бўлади.

Ҳар бир ҳисобга олиш пунктига бир йилдан кам бўлмаган муддатга йўл хўжалиги ходимлари таркибидан йўл хўжалиги корхонасининг директори буйруғи билан автоматик асбоблар билан ҳисобга олишда – оператор, визуал (кўз билан кўриб) усулда эса – ҳисобга олувчи тайинланади.

Агар йўлдаги икки йўналишда транспорт воситаларининг сони соатига 300 транспорт бирлигидан ошмаса битта ҳисобга олиш пунктидаги ҳисобга олувчиларнинг сони бир сменага биттадан олинади. Бир сменада биргаликда икки ва ундан кўп ҳисобга олувчилар ишласа, улардан бири бошлиқ қилиб тайинланади. Таътил ёки касаллик вақтида ҳисобга олувчи ўрнига бошқа

ҳисобчи алмаштирилади. Бир ҳисобга олувчининг узлуксиз иш давомийлиги (смена) 4 соатдан ошмаслиги лозим. Транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш билан боғлиқ масалаларда оператор ва ҳисобга олувчилар бошлиқлардан ташқари Шаҳар йўлларида фойдаланиш бўлимининг мансабдор шахсларига ҳам бўйсундилад.

Ҳисобга олиш тартиби ва у бўйича бирламчи маълумотларни қайта ишлаш автоматик асбоб турига боғлиқ ҳолда, қўлланмадаги талаблардан келиб чиқиб, махсус кўрсатмалар асосида бажарилади.

Ҳаракат жадаллигини бевосита ҳисобга олиш

БАРАҚАСИ

Шаҳар кўчаси йўли Оққўрғон кўчаси 0-1520м гача

Ҳисобга олиш санаси 2013 йил 23 май,

Ҳисобга олиш вақти: бошланди 8:20 тугатилди 20:10

соат

соат

<i>Транспорт турлари</i>	<i>Тўғри йўналиш</i>	<i>Тескари йўналиш</i>
<i>1. Юк автомобиллари</i>	<i>Ҳами</i>	<i>Ҳами</i>
<i>2. Автобуслар</i>	<i>Ҳами</i>	<i>Ҳами</i>
<i>3. Енгил автомобиллар</i>	<i>Ҳами</i>	<i>Ҳами</i>

ШАҲАР КЎЧАСИНИНГ ПАСПОРТИНИ ТУЗИШ ВА ЖИХОЗЛАШ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ҳисобга олиш ва паспортлаштиришнинг хужжатлаштириш ишлари, шаҳар кўчаси тармоғини режалаштириш ва босқичма босқич режалаштириш учун ишонарли ва аниқ маълумотларни олиш, автомобил йўллари кайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги ягона техник сиёсатни амалга ошириш, шунингдек йўл ишларини режалаштириш ҳамда туман автомобил йўллари бошқармаларига ахборот хизматини кўрсатиш учун фойдаланиладиган барча техникавий тавсифномалар бўйича «Йўл» маълумотлари базасини тузиш ва вақти вақти билан тузатма киритиб бориш мақсадида амалга оширилади.

Техникавий ҳисобга олиш маълумотлари йўл ахборот базасига киритилади ва улар қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

Йўлларнинг геометрик элементлари (Қизил чизиқ ораси, қатнов қисми), қопламалари тури, сунъий иншоотлар (кўприklar, йўлутъизгичлар, қувурлар, туннеллар), муҳандислик қурилмалари ва жиҳозлари (тўсиқлар, йўналтирувчи устунчалар, йўл белгилари, автобус бекатлари, йўлкалар, дам олиш ёки тўхтаб туриш майдончалари, ёритгичлар), транспорт воситаларига хизмат қилишга мўлжалланган маҳсул ва сервис бинолари (автостанциялар, ДАН пунктлари, меҳмонхоналар, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, овқатланиш, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари) бошқа коммуникациялар (газ, сув, канализация, иссиқлик узатиш

Йўлнинг геометрик ўлчамларидан: режадаги эгрилик бурилиш бурчаги теодолит билан, бўйлама қиялик нивелир билан, йўл қатнов қисми ва йўл пойи кенглиги ўлчов лентаси ёрдамида, йўл узунлигини ва йўл бўйлаб жойлашган объектлар пикет ўрнини аниқлаш «Шагомер» асбоби ёрдамида аниқланди.

Шаҳар кўчасини жиҳозлашдан мақсад, йўлдаги автомобиллар ҳаракатини қўлай ва хавфсиз бўлишини таъминлашдан иборатдир. Шаҳар

кўчасини жихозлаш лойихасида йўлдаги ҳаракатни тўғри ташкил қилиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади. Шаҳар кўчасини жихозлаш лойихасига баҳо беришда йўлда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари сони, ундаги жароҳатланиш даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Агар шаҳар кўчасини жихозлаш тўғри ва талаб даражасида бажарилган бўлса, йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кескин камайишига кузатилади. Автомобил йўллари жихозлаш лойихасини ишлаб чиқишда йўлчи мутахассислар билан ЙҚХ ходимлари биргаликда иш олиб боради. Тайёрланган жихозлаш лойихаси ЙҚХ бошқармасининг йўл назорати бўлими билан келишилади.

Шаҳар кўчасини жихозлаш лойихасини ишлаб чиқиш ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг техник воситалари» (Қўллаш қоидалари), «Йўл белгиларини қўллаш бўйича курсатмалар», ВСН 25-86 «Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича курсатмалар», ВСН 23-75 «Йўл белги чизикларини қўллаш бўйича курсатмалар» ва ГОСТ 10807-78 «Йўл белгилари», ГОСТ 13508-74 «Йўл белги чизиклари», ГОСТ 26804-86 «Йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмалар», ГОСТ 25695-83 «Светофорлар» каби меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида бажарилади. Шаҳар кўчасини жихозлаш лойихаси йўл шароитидан ва жой вазиятидан келиб чиқиб меъёрий ҳужжатлар қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилиши билан бир қаторда, лойихани амалга ошириш жараёни қўлай ва тежамлиги билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Шаҳар кўчасини жихозлашнинг техник воситалари йўл белгилари, йўл белги чизиклари, йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмалар, светофорлардан иборат. Бу воситалар куннинг ёруғ вақтида ва кечги вақтда йўл ҳаракати қатнашчиларига энг яхши қуриниш шароитида йўл бўйлаб жойлаштирилиши лозим. Йўл белгилари ва светофорлар ҳаракат қатнашчисига қуриниши таъминланган бўлиши лозим, биров бир ҳолда ҳам бўларни дарахтлар ёки ёритиш қурилмалари ва бошқа плакатлар билан тусиб қолинишига йўл қўйилмаслиги керак.

Йўл белгилари ва уларни ўрнатишга қўйилган умумий талаблар

Йўл белгилари автомобил йўлининг ҳамма бўлакларида ва аҳоли яшаш жойларида йўл шароитидан келиб чиқиб қўлланилади. Йўл белгилари йўл шароити, ҳаракат йўналишлари ва сервис хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳақида маълумот беради. Йўл белгилари ГОСТ 10807-78 ва ГОСТ 23457-86 га асосан 7 турга бўлинади: Огоҳлантирувчи. 2. Имтиёз. 3. Тақиқловчи. 4. Буюрувчи. 5. Ахборот-кўрсатувчи. 6. Сервис. 7. Қўшимча ахборот.

Йўл белгиларини жойлаштиришда ҳайдовчига ҳаракат йўналиши, босиб ўтилган йўл, аҳоли яшаш жойлари, ҳаракатга хизмат курсатиш сервис шахобчалари ҳақида маълумотлар бериб борилади. Йўлнинг характерли бўлган бўлакларини ажратиб, бу бўлақларда бўлаётган кеча-кундуздаги ҳар хил ноқулай шароитлар борасида маълумот бериб борилади ва керак бўлганда огоҳлантирувчи, тақиқловчи ва буюрувчи белгилари ўрнатилади. Автомобилларнинг ҳаракатланиши учун ноқулай бўлган жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида имтиёзли белгилар ўрнатилади. Автомобиллар ҳаракати учун хавфли булақларда тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилади.

1. Огоҳлантирувчи йўл белгилари аҳоли яшамайдиган жойларда 150-300 м масофада, аҳоли яшайдиган жойларда эса 50-100 м масофада ўрнатилиши керак бўлади. Қўйида ҳар хил йўл шароитларида огоҳлантирувчи йўл белгиларидан фойдаланиш ҳақида кўрсатма берамиз.

1.1-1.2-1.3.1-1.3.2 ва 1.4.1-1.4.6. йўл белгилари автомобил йўли темир йўллар билан бир сатҳда кесишган шароитда ўрнатилади. 1.4.1-1.4.6 йўл белгиларини аҳоли яшаш жойларида ўрнатиш тавсия этилмайди. 1.7 йўл белгиси ҳалқали чорраҳаларда аҳоли яшамайдига жойларда 4.3 йўл белгиси ўрнатилган бўлса ўрнатилади, аҳоли яшайдиган жойларда эса, чорраҳа ёритилмаган ҳолларда ва қурилиш масофаси 50 м дан кам бўлган ҳолларда ўрнатиш назарда тутилади. 1.8 йўл белгиси аҳоли яшамайдиган жойларда ўрнатилган светофор қурилмасидан олдин, аҳоли яшайдиган жойларда эса аҳоли пункти бошлангандан кейинги биринчи учрайдиган светофордан

олдин ўрнатилади. 1.11.1-1.11.2 белгилари режадаги эгрилик радиусига ва бурилиш бурчагига боғлиқ равишда 4-жадвал асосида хавфли бурилишларда ўрнатилади.

4-жадвал

Бурилиш бурчаги α град.	6	12	17	23	30	35	45	57	70	80
Эгри радиуси R м.	50	100	150	200	250	300	400	500	600	700

«Хавфли бурилишлар» 1.12.1-1.12.2 белгилари иккита ва ундан ортик бир бирдан кейин келадиган режадаги эгриликлардан олдин (агарда уларнинг орасидаги масофа 300 м дан кам бўлса) ўрнатилиши керак. «Тик нишаблик 1.13 ва «Тик қиялик» 1.14 йўл белгилари 5 жадвалдаги нишаблик узунлигидан катта бўлган ҳолларда ўрнатилади.

5-жадвал.

Нишаблик, %	40	50	60	70	80	90
Нишаблик узунлиги, м	600	450	350	300	270	250

«Йўлнинг торайиши» 1.18.1-1.18.3 белгилари аҳоли яшамайдиган жойларда йўлни қатнов қисми 0,5 м дан кўпга торайса, аҳоли яшайдиган жойларда битта ва ундан кўп ҳаракат тасмасига камайса шу йўл бўлакларидан олдин ўрнатилади. Шунингдек, аҳоли яшамайдиган жойларда бу белгилар кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, тоннеллар ва бошқа сунъий иншоотлар олдидан, агарда бу иншоотлар чегарасидаги йўл қатнов қисмини эни улардан олдинги йўл қатнов қисмига тенг ёки кичик бўлса, аҳоли яшайдиган пунктларда эса бу кўрсаткич фақат кичик бўлса ўрнатилади. 1.20 йўл белгиси аҳоли яшамайдиган жойларда пиёдалар ўтиш жойида 5.16.1-5.16.2 йўл белгилари ўрнатилган бўлса ундан олдин, аҳоли яшаш жойларида эса пиёдалар ўтиш жойида ўрнатилган 5.16.1-5.16.2 йўл белгиларини қурилиш масофаси 100 м дан кам бўлган ҳолларда ўрнатилади. 1.21 йўл белгиси болалар муассаси бор жойларда ўрнатилади ва бу белги

такрорланади. Болалар муассаси йўл бўйлаб жойлашиш узунлигидан келиб чиқиб, 7.2.1 табличкаси билан биргаликда ўрнатилади.

2. Имтиёз белгилари чорраҳалардан, қатнов қисмлари кесишмаларидан ёки йўлнинг тор бўлакларидан ўтиш навбатини белгилашда ишлатилади. «Асосий йўл белгиси йўлни бошланишида ва аҳоли яшайдиган жойларда ҳар бир чорраҳадан олдин ўрнатилади. «Иккинчи даражали йўл билан кесишув» 2.3.1 ва «Иккинчи даражали йўлни туташуви» 2.3.2.-2.3.3 белгиси аҳоли яшамайдиган жойларда 2.1 белгиси билан белгиланган йўлларда ҳайдовчиларга имтиёз бериш учун ишлатилиб, уларни чорраҳадан олдин 150-300 м масофада ўрнатилади. Аҳоли яшаш жойларида агар 5.22-5.23 йўл белгилари ўрнатилган бўлса 2.3.1-2.3.3 йўл белгиларини ўрнатиш назарда тутилмайди. 5.24 -5.25 йўл белгилари ўрнатилган аҳоли яшаш жойларида агар чорраҳада қуриниш масофаси 50 м дан кам бўлсагина 2.3.1-2.3.3 йўл белгиларини ўрнатиш назарда тутилади. Биз лойиҳада аҳоли яшаш жойларида 2.1 ва 2.3.1-2.3.3 йўл белгиларини «Тошавтойўл АБ» нинг 14.07.2003 йилдаги № 59 бўйруғи билан тасдиқланган вақтинчалик кўрсатмасига асосан аҳоли яшаш пунктларидаги муҳим чорраҳа ва туташмалар олдидан ўрнатдик.

3. Тақиқловчи йўл белгилари ҳаракатга муайян чекловлар киритишда ёки уларни бекор қилишда фойдаланилади.

4. Буюрувчи йўл белгилари транспорт воситаларининг бирон бир йўналишида маъхум тартибда ва режимда ўтишини белгилайди. Уларни йўналиш ва режим ўзгариши керак бўлган участкалар олдидан ўрнатилади.

5. Ахборот-кўрсатувчи белгилар ҳаракатга муайян режимлар киритишда ёки бекор қилишда, шунингдек аҳоли яшайдиган жойлар ва бошқа объектларнинг жойлашиши ҳақида ахборот беришда ишлатилади.

6. Сервис белгилари тегишли объектлар қаерда жойлашганлиги ҳақида ахборот беришда фойдаланилади.

7. Қушимча ахборот табличкалар улар билан қўлланилган белгиларнинг таъсирини аниқлашда ёки чеклашда ишлатилади.

Шаҳар кўчасини йўл белгилари қўйидаги кетма кетликда ўрнатилиши керак: кўрсатувчи (ахборот-кўрсатувчи, имтиёз, сервис ва табличкалар); огоҳлантирувчи; тақиқловчи; буюрувчи. Ўрнатиш йўл белгиларини сони иложи борица кам бўлиши керак. Хар бир ўрнатилаётган огоҳлантирувчи ёки тақиқловчи йўл белгилари асосланган бўлиши шарт ва йўл шароитини ёмонлашганлиги оқибатида кўрилган мажбурий чора деб тушуниш керак.

Йўлнинг битта кўндаланг кесимида 3 тадан ортиқ йўл белгисини ўрнатиш рўхсат этилмайди. Бундай ҳолларда белгиларни горизантал ёки вертикал ўрнатиш керак. Йўл белгилари йўлни унғ томонида қатнов қисмидан ва йўл ёқаси қисмидан ташқарида ўрнатилади. Аҳоли яшамайдиган йўл участкаларида йўл белгиларини йўл ёқаси ёнида тўкиб кўтаришган «супагада (бермада)», кўтарманинг қиялик ён бағрида, ён ариқдан ташқарида, қийин йўл шароитларида йўл ёқасида ўрнатилади. Бу белгилар йўл ён томонидан ўрнатишганда қанов қисмини четидан, йўл ёқаси мавжуд ҳолатда эса йўл қирғоғидан йўл белгисини четигача 0,5-2,0 м масофада, қопламани устидан белгини тагигача 1,5-2,0 м баландликда ўрнатилиши лозим. Аҳоли яшайдиган жойларда йўл белгиларини йўл ёқасини ёнига, йўл ёқасини устига, қатнов қисмини тепасига жойлаштириш мумкин. Ажратувчи тасма хавфсизлик оролчалари бўлган ҳолларда эса йўл белгисини уларда жойлаштириш кўрсатилган. Аҳоли яшайдиган жойларда йўл белгиларини ўрнатиш баландлиги 2,0-4,0 м бўлиши, агар йўл белгиси қоплама устида жойлаштирилса 5,0-6,0 м баландликда ўрнатилиши таъминланиши лозим. Йўл белгиларини ишлатиш йўл шароитига қараб Гост 10807-78 кўрсатмасига асосан тўрт тур ўлчамда бўлиб, қуйидаги таснифга эга:

6-жадвал

Белгилар тур ўлчамлари	Белгиларни қўллаш шароитлари		Учбурчак томонлари, мм	Доирав диаметри, квадрат томони, мм	Тўғри тўртбурчак томонлари, мм
	Аҳоли яшамайдиган жойларда	Аҳоли яшайдиган жойларда			
И-кичик	Битта ҳаракат тасмали йўлларда	Маҳаллий аъямиятда ги кўчаларда	700	600	600-900
ИИ-ўртача	Иккита ва учта ҳаракат тасмали йўлларда	Магистрал кўчаларда	900	700	700- 1050
ИИИ-катта	4 ва ундан ортиқ ҳаракат тасмали йўлларда ва автомагистралларда	Тез юрар йўлларда	1200	900	900- 1350
ИВ-жуда катта	Автомагистрал йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилаётган жойларда ва бошқа жойларда	-	1500	1200	-

**Йўл белги чизиқлари ва уларни қопламага туширишга қўйиладиган
умумий талаблар.**

Йўл белги чизиқлари йўл шароитларини ўзгаришига қараб ишлатилиш қоидалари ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг техник воситалари» (Қўллаш қоидалари), уларнинг элементларига қўйиладиган талаблар эса «ГОСТ 13508-74 «Йўл белги чизиқлари» да келтирилган. Ҳаракатни тартибини белгиловчи йўл белги чизиқларига йўлни қатнов қисмига, тўсиқларга ва бошқа йўл иншоотларига тушириладиган чизиқлар, ёзувлар ва ҳар хил белгилар киради. Йўл белги чизиқлари 2 гуруҳга бўлинади: горизантал ва вертикал. Горизантал йўл белги чизиқлари аҳоли яшайдиган пунктларда тез юрар, магистрал йўлларда, шунингдек жамоат пассажир транспортлари қатнайдиغان йўлларда туширилади. Горизантал йўл белги чизиқлари аҳоли яшамайдиган пунктларда ҳақиқий ҳаракат миқдори 1000 авт/сут ва ундан кўп ҳамда қатнов қисмини кенглиги 6 м ва ундан кўп

бўлган йўлларда туширилади. Бунда йўл белги чизици билан белгиланган кенглик 3.0 м дан кам бўлмаслиги керак. Вертикал йўл белги чизиқлари таянчларни, кўприк, йўл ўтказгичларни тўсиқларини, тоннелларни деворларини, йўл тўсиқларини ён томонларини, хавфли жойларда ўрнатилган хавфсизлик оролчаларини белгилашда ишлатилади.

Йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмалар ва Уларни қўллаш шароитлари.

Шаҳар кўчасида йўл тўсиқлари транспорт воситаларини, пиёдалар ҳаракатини тартибга солиш ва йўл транспорт ходисаларини олдини олиш ҳамда уларни оғирлик даражасини пасайтириш учун ўрнатилади. Йўл тўсиқларига қўйиладиган талаблар Гост 26804-86 да келтирилган. Йўл шароитини ўзгаришига қараб йўл тўсиқларини қандай вақтларда ишлатиш шартлари Гост 23457-86 да келтирилган. Йўл тўсиқларини қўллаш шартларига қараб 2 гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ йўл тўсиқлари йўл ёқасида қўйидаги ҳолларда ўрнатилади: Йўл пойи кўтармада ўтиб, уни ён қиялиги 1:3 ва ундан тик бўлса. Темир йўл изларига, ботқоқликларга, каналларга (сувнинг чуқурлиги 2 м ва ундан кўп бўлса), жарларга ва тоғ дараларига оралиқ масофа йўлни қатнов қисмини четидан 25 м ва ундан кам бўлмаган ҳолларда, йўл параллел ўтган жойларда. Хар хил сатҳда кесишган мураккаб чорраҳаларда. Режада йўлни йўналиши ўзгариб кўриниш таъминланмаган участкаларда. Ажратиш тасмаларида, кўприкларда, йўл ўтказгичларда, эстакадаларда. Биринчи гуруҳ йўл тўсиқлари йўл ёқасида, йўл пойини четидан 0.5 м масофадан кам бўлмаган ва 0.85 м кўп бўлмаган масофада йўл тўсиқини бикирлигига қараб жойлаштирилади.

**ШАҲАР КЎЧАСИ БЎЙИЧА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР
ЖАДВАЛЛАРИНИ ТУЗИШ**

Шаҳар кўчаси ва йули варвкиси				НОМЛАНИШИ: Тошкент шаҳар “Оққўрғон” кўчаси			
			2013	Рақами: Узунлиги: 1.52 км			2013
1	Тоифаси бўйича узунлиги (км да)	Шаҳар аҳамиятидаги кўча		25	Автопавильонлар		дона
2		Туман аҳамиятидаги кўча	1. 52	26	Дам олиш майдончалари		дона
3		Маҳаллий аҳамиятдаги кўча		27	Автомобиллар туриш майдончалари		дона
4				28	Йўл ёқасини	Чап	км
5				29	мустахкамлаш	Ўнг	км
6				30	Йўлнинг ёритилганлиги		км
7	Қопламасин инг тури бўйича узунлиги (км да)	Цементобетон		31	Автобус тўхташ майдончалари		дона
8		Асфальтобетон	1.52	32	Ўтувчи тезланиш тасмаси		км
9		Қора қоплама		33	Тўсиклар		км
10		Шағал қоплама		34	Йўналтирувчи устунчалар		дона
11		Тупроқ йўллар		35	Йўл белгилари		дона
12	Ҳаракат жадаллиги, авт/кун	км		36	шундан: Огохлантирувчи		дона
13		км		37	Имтиёз		дона
14		км		38	Тақиқловчи		дона
15	Йўл қатнов қисмининг кенглиги бўйича узунлиги	4,5 м гача		39	Йўналтирувчи		дона
16		4,5 - 6,0 м		40	Ахборот - кўрсатувчи		дона
17		6,0 - 7,0 м		41	Сервис		дона
18		7,0 - 7,5 м		42	Қўшимча ахборот		дона
19		7,5 - 10,0 м		43	Техник хизмат шахобчаси		дона

20	(км да)	10,0 - 12,5 м		44	А Ё Қ Т	дона	
21		12,5 - 15,0 м		45	Хожатхона	дона	
22		15,0 м дан кенг	1.52	46	Туташмалар	дона	7
23	Пиёдалар йўлаги	Чап км	1.52	47	Мустахкамланмаган туташмалар	дона	7
24		Ўнг км	1. 52	48	Овқатланиш жойи	дона	2

Рақами:		2013	Узунлиги: 1.520 км		2013
1	Кўприklar 25 м гача, дона			Фойдаланиш давридаги харажатлар (минг сўм)	
2	Кўприklar 25 м гача, п. м.		1	Жами	
3	Кўприklar 25-100 м, дона		2	шу жумладан: капитал таъмирлаш	
4	Кўприklar 25-100 м, п.м.		3	ўрта таъмирлаш	
5	Кўприklar 100 м дан ката, дона		4	жорий таъмирлаш	
6	Кўприklar 100 м дан ката, п.м.		5	саълаш	
7	Жами кўприklar, дона		6	кўкаламлаштириш	
8	Жами кўприklar, п.м.		7	қишки сақлаш	
9	шу жумладан ёчоч кўприklar, дона				
10	шу жумладан ёчоч кўприklar, п.м.			Жами	
11	Темир йўл билан кесишувдаги йўл ўтказгич 25 м гача	дона			
12		п.м.		Асосий ишларнинг бажарилиши	
13	Темир йўл билан кесишувдаги йўл ўтказгич 25-100 м гача	дона	1	Қайта таъмирлаш,	
14		п.м.	2	Капитал таъмирлаш,	
15	Темир йўл билан кесишувдаги йўл ўтказгич 100 м дан катта	дона	3	Ўрта таъмирлаш,	
16		п.м.	4	Кўприklar, йўл ўтказгичлар,	
17	Автомобил йўли билан кесишувдаги йўл ўтказгич	дона	5	Кўприklar, йўл ўтказгичлар,	
18		п.м.	6	Қувурлар,	
19	Пиёдалар ўтиш жойи	дона	7	Қувурлар,	
20	Йўл даражасига мос келмайдиган ўлчамли кўприк ва йўл ўтказгичлар	дона			
21		п.м.			
22	Қувурлар	дона			
23		п.м.			
24	шу жумладан узоқ муддат чидайдиган мустаҳкам қувурлар (т/б, темир)	дона			
25		п.м.			

ШАҲАР КЎЧАСИ ПАСПОРТИНИ ТУЗИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ХАФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

Шаҳар кўчаси паспортини тузиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнатни муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шаҳар кўчасини текшириш бўйича ишларга, янги қабул қилинаётган ишчилар, фақатгина, қайсики янги иш жойига ўтказилганда ёки меҳнат шароити ўзгарганда, бевосита иш жойида хавфсизлик техникаси бўйича ўтказиладиган бошланғич (умумий) инструктаждан кейин рухсат этилади.

Бошланғич инструктажда, меҳнат тартиби қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари, ишларни ташкил қилиш, хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена, бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш тартиби, ёнғин хавфсизлиги талаблари кабилар билан ишчини таништириш назарда тутилади.

Иш жойидаги инструктаж, ишчини, мазкур йўл бўлагидаги техник жараёнлар, мажбуриятлар, иш жойини тўғри ташкил қилиш талаблари, машина ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш қоидалари, электр хавфсизлиги қоидалари, белгиланган ишораларни узатиш тартиби, хусусий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари кабилар билан таништиришга йўналтирилган. Бирламчи инструктаж биринчи иш куни бошланишида (буйруқ чиққандан кейин) ўтказилади, ундан кейин билимларни текшириш амалга оширилади.

Хавфсизлик техникаси бўйича ҳамма турдаги инструктажлар, такрорий инструктажлар ҳам қўшилиб, хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж журнаliga рўйхатга олинади. Такрорий инструктаж ҳамма хизматчилар учун уч ойда камида бир марта ўтказилади.

Юқори хавфлилик билан тавсифланадиган ишларни ташкил қилиш қоидаларига мувофиқ, ишни бошлашдан олдин, экспедиция раҳбари ҳамма

аъзолар билан инструктаж ўтказди ва уларнинг ҳар бирига махсус шакл бўйича наряд (буйруқ) беради.

Иш жойига етиб боргунча ва текширишлар вақтида автомобил-лаборатория хавфсизлигига жавобгар ҳайдовчи ҳисобланади ва у автомобилда ичида ўтирган шахслардан хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя қилишларини талаб қилиши лозим. Йўл чегарасида автомабиль-лабораторияни тўхтатганда фақат ўнг томондан чиқиш мумкин. Равонликни, тишлашиш коэффициентини баҳолаш бўйича махсус текширишлар ўтказишда, агарда, йўл вазияти бунга талаб қилса, ҳаракат тарзининг берилган услубий кўрсатмаларини бузиб бўлса ҳам, ҳайдовчи берилган тезликни пасайтириши лозим.

Шаҳар кўчасини текшириш бўйича ишлар куннинг ёруғ вақтида ўтказилади, бу ишларнинг давомийлиги 8 соатлик иш кунидан ошмаслиги лозим. Текширишлар вақтида экспедиция раҳбари томонидан, бевосита қатнов қисмида ишлаётган бригада аъзоларини хавфсизлик техникасини таъминлаш бўйича чоралар, худди шундай ишларни ўтказиш жойида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши лозим. Шу мақсадда иш олиб борилаётган йўл бўлагида, иш бошлангунга қадар вақтинчалик йўл белгилари, ишоралар ва светофорлар, тўсувчи ва йўналтирувчи қурилмалар ўрнатилади, зарур бўлган ҳолларда қатнов қисмига вақтинчалик йўл белги чизиғи туширилади ва иш олиб борилаётган жойни айланиб ўтиш ташкил қилинади.

Ҳаракатни ташкил қилиш схемалари ва иш жойини тўсиш, улар намунавий ёки хусусий бўлишидан қатъий назар, шу билан бирга ишларни олиб бориш муддати ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва ДЎХХХ органи билан келишилади. Иш олиб борилаётган жойда хавфсизликни таъминлаш учун экспедиция аъзоларидан бири транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солувчи (кузатувчи) этиб тайинланади ва унга жезл ёки қизил байроқча берилади.

Йилнинг иссиқ даврларида бир кузатувчи томонидан узлуксиз кузатиш давомийлиги 3 соатдан ошмаслиги лозим. Ҳамма экспедиция аъзолари енгил бош кийими кийиши, ёруғ қуёшли кунларда қора кўзойнак тақиши лозим.

Иш тугаллангач ҳамма жиҳозларни ва асбобларни транспортга юклаш ҳолатига келтириш зарур. Асбоблар исътемомл манбаидан ажратилиши лозим. Йўл белгиларини ва тўсиқларини иш олиб борилган жойдан йиғиштириш ва автомобил кузовига ишончли маҳкамлаш зарур. Жиҳозлардаги ҳамма носозликлар ҳақида иш раҳбарига ахборот бермоқ зарур.

Таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин жойлардаги ЙХХ Бошқармалари билан келишилган ҳолда таъмирлаш участкасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича схемалар тузилган бўлиши лозим.

Шаҳар кўчасини техник ҳисобга олиш ва паспортлаштириш бўйича дала-ўлчаш ишлари хавфли тоифага киради. Шаҳар кўчасини текшириш бўйича ишларни ташкил қилишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг чоралари кўрилиши лозим. Шаҳар кўчасини текшириш бўйича ишларга, янги қабул қилинаётган ишчилар, фақатгина, қайсики янги иш жойига ўтказилганда ёки меҳнат шароити ўзгарганда, бевосита иш жойида хавфсизлик техникаси бўйича ўтказиладиган бошланғич (умумий) инструктаждан кейин рухсат этилади. Бошланғич инструктажда, меҳнат тартиби қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари, ишларни ташкил қилиш, хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена, бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш тартиби, ёнғин хавфсизлиги талаблари кабилар билан ишчини таништириш назарда тутилади. Иш жойидаги инструктаж, ишчини, мазкур йўл бўлагидаги техник жараёнлар, мажбуриятлар, иш жойини тўғри ташкил қилиш талаблари, машина ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш қоидалари, электр хавфсизлиги қоидалари, белгиланган ишораларни узатиш тартиби, хусусий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари кабилар билан таништиришга йўналтирилган.

Бирламчи инструктаж биринчи иш куни бошланишида (буйруқ чиққандан кейин) ўтказилади, ундан кейин билимларни текшириш амалга оширилади.

Хавфсизлик техникаси бўйича ҳамма турдаги инструктажлар, такрорий инструктажлар ҳам қўшилиб, хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж журнаliga рўйхатга олинади. Такрорий инструктаж ҳамма хизматчилар учун уч ойда камида бир марта ўтказилади.

Шаҳар кўчасида ишлаётган бригада аъзолари, йўл ишчилари учун қабул қилинган тўқ сариқ рангдаги нимчаларни кийишлари лозим. Иш жойига етиб боргунча ва текширишлар вақтида автомобил-лаборатрия хавфсизлигига жавобгар ҳайдовчи ҳисобланади ва у автомобилда ичида ўтирган шахслардан хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя қилишларини талаб қилиши лозим. Йўл чегарасида автомобил-лаборатрияни тўхтатганда фақат ўнг томондан чиқиш мумкин. Равонликни, тишлашиш коэффициентини баҳолаш бўйича махсус текширишлар ўтказишда, агарда, йўл вазияти буни талаб қилса, ҳаракат тарзининг берилган услубий кўрсатмаларини бузиб бўлса ҳам, ҳайдовчи берилган тезликни пасайтириши лозим. Шаҳар кўчаларини текшириш бўйича ишлар куннинг ёруғ вақтида ўтказилади, бу ишларнинг давомийлиги 8 соатлик иш кунидан ошмаслиги лозим. Текширишлар вақтида экспедиция раҳбари томонидан, бевосита қатнов қисмида ишлаётган бригада аъзоларини хавфсизлик техникасини таъминлаш бўйича чоралар, худди шундай ишларни ўтказиш жойида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши лозим. Шу мақсадда иш олиб борилаётган йўл бўлагига, иш бошлангунга қадар вақтинчалик йўл белгилари, ишоралар ва светофорлар, тўсувчи ва йўналтирувчи қурилмалар ўрнатилади, зарур бўлган ҳолларда қатнов қисмига вақтинчалик йўл белги чизиғи туширилади ва иш олиб борилаётган жойни айланиб ўтиш ташкил қилинади. Ҳаракатни ташкил қилиш схемалари ва иш жойини тўсиш, улар намунавий ёки хусусий бўлишидан қатъий назар, шу билан бирга ишларни олиб бориш муддати ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва ДЙХХХ органи билан келишилади. Иш олиб борилаётган жойда хавфсизликни таъминлаш учун экспедиция аъзоларидан бири транспорт воситалари

ҳаракатини тартибга солувчи (кузатувчи) этиб тайинланади ва унга жезл ёки қизил байроқча берилади. Йилнинг иссиқ давларида бир кузатувчи томонидан узлуксиз кузатиш давомийлиги 3 соатдан ошмаслиги лозим. Ҳамма экспедиция аъзолари енгил бош кийими кийиши, ёруғ қуёшли кунларда қора кўзойнак тақиши лозим. Иш тугаллангач ҳамма жиҳозларни ва асбобларни транспортга юклаш ҳолатига келтириш зарур. Асбоблар исътемола манбаидан ажратилиши лозим. Йўл белгиларини ва тўсиқларини иш олиб борилган жойдан йиғиштириш ва автомобил кузовига ишончли маҳкамлаш зарур. Жиҳозлардаги ҳамма носозликлар ҳақида иш раҳбарига ахборот бермоқ зарур.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида институтда ўқиган ва олган билимларимни чўқурлаштиришга ва амалий жиҳатдан бой тажрибага эга бўлишга эришдим. Мен нафақат билим олишга балки олган билимларимни амалиётда синаб куриб ишлаб чиқариш билан боғланиб, кейинги иш жараёнига замин яратдим.

Мен бажарган мавзу бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Менга берилган автомобил йўлларини паспортини тузиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқишга, кучли эътибор ва чўқур изланиш асосида ёндашдим. Технологик жараёнларнинг барча босқичларида лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқишда ўз билимим ва тажрибаларимга, устозлар маслаҳатларига асосландим.

Автомобил йўлини паспортини тузиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ташкил қилиш орқали йўлнинг ҳолатини яхшилашга ва унинг хизмат муддатини оширишга, ҳамда йўлдаги автомобиллар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга эришдик. Ушбу йўлда жиҳозлаш ишлари бажарилса, нафақат йўлнинг эксплуатацион ҳолатини яхшиланади балки содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини ва ҳалокатлилик кўрсаткичини камайишига олиб келади. Бу қанчадан қанча инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолинишига сабаб бўлади. Автомобиллар юқори тезликда қулай ва хавфсиз ҳаракатланиб, манзилга беҳатар етиб боради.

Хулоса қилиб айтганда бажарилган Битирув малакавий иши юқорида келтирилган меъёрлар асосида ишлаб чиқилди ва барча бўлимлари талабга жавоб беради деб ҳисоблайман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов “Юксак манавият-енгилмас куч” Тошкент-2008й
2. И.А.Каримов “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” Тошкент-2005й
3. ПҚ-1103 22.04.2009й
4. Залуга В.П, Кашкин. Знаки и указатели на автомобильных дорогах. М. Транспорт, 1991 г.
5. ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг техник воситалари» (Қўллаш қоидалари)
6. «Йўл белгиларини қўллаш бўйича курсатмалар»
7. МШН 25-2005 «Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича курсатмалар», АДНИИ, Т: 2007 й.
8. МШН 23-2007 «Йўл белги чизикларини қўллаш бўйича курсатмалар», АДНИИ, Т: 2008 й.
9. ГОСТ 10807-78 «Йўл белгилари».
10. ГОСТ 13508-74 «Йўл белги чизиклари».
11. ГОСТ 26804-86 «Йўл тўсиқлари ва йуналтирувчи қурилмалари».
12. ГОСТ 25695-83 «Светофорлар».
13. ШНҚ 2.05.02-2007 “Автомобил йўллари”.
14. Имайкин А. Охрана труда в дорожном строительстве. М. Транспорт, 1984.
15. Сильянов В.В Транспортно-эксплуатационные качества автомобильных дорог. М. Академия, 2009 г.
16. Сильянов В.В. Транспортно-эксплуатационные качества автомобильных дорог. – Москва: Транспорт, 1984. - 287 с.
17. Васильев А.П. Состояние дорог и безопасность движения автомобилей в сложных погодных условиях. – Москва: Транспорт, 1976. - 244 с.
18. Бабков В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения. – Москва: Транспорт, 1982. - 288 с.
19. Васильев А.П., Сиденко В.М. Эксплуатация автомобильных дорог и организация дорожного движения. - М.: Транспорт, 1990. - 304 с

